



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

**БОШ МИЯ ЖАРОХАТЛАРИДА ЛИКВОР АЙЛАНИШИ ТИЗИМИНИНГ
БУЗИЛИШИНИ БАҲОЛАШДА МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИЯ
УСУЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**
Исмаилова М.О., Исмаилов Р.О.

Тошкент Тиббиёт Академияси Урганч филиали, Патоморфология кафедраси
АННОТАЦИЯ

Бош миЯ жароҳати деярли барча ҳолатларида бош миЯнинг силжиши ва деформацияси ва кейинчалик унинг дастлабки ҳолатига қайтиши содир бўлади. Бу муқаррар равишда субарахноидал бўшлиқда ва миЯ қоринчалари тизимида ликворнинг динамик қайта тақсимланиши билан бирга келади. Бу бош миЯ жароҳатлари ва биринчи навбатда, ликвор айланиш тизимининг танатогенезини ўрганиш долзарблигини кўрсатади.

Калит сўзлар: БМЖ, бош миЯ, ликвор айланиши, танатогенез, морфология, морфометрия, эксперт мезонлари.

Субарахноидал қон қуйилиши (САҚ) бош миЯ жароҳати (БМЖ) ва миЯ томирлари аневризмаси ёрилишининг энг оғир оқибатларидан биридир. Бу субарахноидал бўшлиққа қоннинг қуйилиши билан тавсифланади, бу эса ликвор айланишининг бузилиши, яллиғланиш реакцияси ва ишемик жараёнларни ўз ичига олган бир қатор патологик реакцияларни келтириб чиқаради. Ушбу бузилишларнинг патогенези механизмларини тушуниш ташхис қўйиш, даволаш ва оқибатларини вақтида аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада САҚда ликвородинамика бузилишларининг асосий механизмлари ва оқибатлари батафсил кўриб чиқилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Бош миЯ жароҳатларида ликвор айланиш жараёнларининг бузилишини тизимли таҳлил қилиш.

Материал ва методлар. Ушбу тадқиқот учун бош миЯ жароҳатлари бўйича ўтказилган 84 та суд-тиббий экспертиза хулосалари материал бўлиб хизмат қилди. Жабрланганларнинг 72 нафари (85,7%) эркаклар ва 12 нафари (14,3%) аёллардир.

Ўлимга олиб келадиган БМЖдан жабрланганларнинг ўртача ёши $36,6 \pm 8,4$ ёшни ташкил этди. Жароҳатланиш ҳолатлари қуйидагича бўлган: 78,6% ҳолатда - йўл-транспорт ҳодисалари, 12,4% - баландликдан йиқиلىш ва 9% - майший шароитда бошга ўтмас жисм билан зарба беришдан олинган жароҳатлар.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Бош миЯ жароҳатидан кейин қоринчалар, миЯ пардалари ва улар орасидаги бўшлиқлар қон томир чигаллари билан бирга ликвор айланишининг ягона уч бўғинли тизимини ташкил қилади. Бу тизимнинг бир бўғини шикастланса, қолганларига ҳам таъсир қилади. Шу боис лептоменингит, хориоидепендимит, пахименингит, гидроцефалия, арахноидал кисталар, субарахноидал ва қоринча ичи қон қуйилишлари каби касалликлар умумий патогенетик занжир билан боғлиқ.

Субарахноидал қон қуйилиш (САҚ)да қон лахталари ликвор каналларини тўсиб, циркуляцияни бузади ва ликвор гипертензиясига олиб келади. Ликвор чиқиши тўсилиши қон элементларининг чиқиб кетишини секинлаштиради, бу эса узоқ давом этувчи артериал спазмни кучайтиради. Лизис жараёнида фибрин парчаланиш маҳсулотлари ва қон хужайралари ликворга ўтади, қон-ликвор тўсиқлар бузилиб, улар артерия деворларига ва миЯ тузилмаларига кириб, аксонлар ва томир деворларига зарар еткази, миЯ шиши ривожланади.

Хулоса. Субарахноидал қон қуйилиши (САҚ) бош миЯ жароҳати ва бош миЯ қон томирларидаги аневризмалар ёрилиши оқибатида юзага келадиган энг оғир асоратлардан бири ҳисобланади. Қоннинг субарахноидал бўшлиққа тушиши ликвор айланиши бузилиши, яллиғланиш ва ишемик жараёнлар каби патологик реакциялар занжирини бошлайди.



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

Ушбу ўзгаришлар механизмларини чуқур тушуниш касалликни аниқлаш, даволаш ва оқибатини башорат қилишда муҳим аҳамиятга эга. САҚда ликвородинамика бузилишининг асосий жиҳатлари, жумладан, қон лахталари ҳосил бўлиши ва лизиси, артериал спазм ва мия шиши механизмлари, шунингдек, калла ичи қон қўйилишининг оқибатлари ҳисобланади.

